

Қумқўрғон туманида ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир маҳаллада тизимли ишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсиясининг 2024-йил 18-январда 03-ПА 1/1-91-сонли топшириғига асосан Республика ишчи гуруҳлари томонидан уйма-уй юриш, ижтимоий объектларни ўрганиш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва мутасадди ташкилотлар билан биргаликда жойида ҳал этиш бўйича Самарқанд вилояти тажрибаси яратилди.

Мазкур тажриба асосида Қумқўрғон туманида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир “Янги ҳаёт” маҳалласи танлаб олиниб, маҳаллада аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни ҳал этиш, мигрантлар билан ишлаш, электр, ичимлик суви ва ички йўллар ҳолатини яхшилаш, ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажримдан холи ҳудудга айлантириш бийича ишлар бошлаб юборилди.